



ИНСОН ҚАДРИНИ ТИКЛАШ ВА ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ – ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ ПИРОВАРД МАҚСАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, маҳаллалар ҳаёти билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 27 сентябрь куни Наманган вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Наманган шаҳри Давлатобод туманидаги “Юксалиш” саноат шаҳарчасида бўлиб, “Glass expro” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Бу ерда ойнага миллий нақшлар ва замонавий дизайнлар асосида ишлов берилади. Корхона 2019 йилда ишга туширилган ва изчил ривожлантириб боришмоқда. Бу вилоятда ойна маҳсулотларини маҳаллийлаштириш, импорт ўрнини тўлдиришда муҳим омил бўлмоқда. Корхона тўла қувват билан ишга тушгач, йилга 1 миллион 200 минг долларлик маҳсулот экспорт қилиш имконига эга бўлади.

Президентимиз корхонадаги иш жараёни, маҳсулотлар намуналарини кўрди.

Шу ерда тадбиркорлар билан мулоқот бўлди.

— Ўзбекистоннинг эртанги куни — тадбиркорлар. Биз беш йил давомида сиёсат нуқтаи назаридан ҳамма бозорни очишга ҳаракат қилдик. Энди сизлар сифат, рақобат, экспорт бўйича ишлашингиз керак. Режаларингиз баланд бўлиши, ҳар қуни изланишингиз зарур. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги бунда сизларга қўмақдош бўлади, лойиҳаларга инвестор бўлиб қиради.

Август ойда тадбиркорлар билан очик мулоқотда яна қўлаб режаларни белгилаб олдик. Келгусида улар бўйича қарорлар қабул қилиниб, қўшимча шароитлар яратилади. Муҳит шундай бўлиши керакки, ишсиз ёшлар тадбиркорга, кичик тадбиркорлар катта, жозибдор инвесторга айланиши керак, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари Юксалиш маҳалласига аввал ҳам келган, ҳудудни саноат шаҳарчасига айлантириш, бу ерда яшовчи аҳоли учун иш

ўринлари яратиш юзасидан кўрсатмалар берган эди.

Бу галги ташриф чоғида Шавкат Мирзиёев ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Охириги уч-тўрт йилда маҳалла улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Бу ерда 71 та қўп қаватли уй фойдаланишга топширилган. Жорий йилда 5 та, келгуси йили 11 та қўп қаватли уй қуриб битказилади.

Тадбиркорларга замонавий шароитлар яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида мазкур ҳудудда “Юксалиш”, “Ёшлар” ва “Кушон” кичик саноат зоналари ташкил этилган.

“Юксалиш” кичик саноат зонасида жами 1,2 триллион сўмлик 96 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Ҳозиргача 7 мингдан зиёд иш ўрни яратилган.

“Ёшлар” кичик саноат зонасида умумий қиймати 804 миллиард сўмлик 60 та лойиҳа, “Кушон” ҳудудиди 1,6 триллион сўмлик 129 та лойиҳа жойлаштирилган. Уларда, мос равишда, қарийб 5 мингта ва 13 мингта иш жойи ташкил этилади.

Шавкат Мирзиёев “Юксалиш” шаҳарчасида наманганлик сайловчилар билан учрашди.

Президент Шавкат Мирзиёев “Янги Наманган” шаҳарчаси лойиҳаси билан танишди.

Мазкур лойиҳа учун Давлатобод туманининг Юксалиш ҳамда Тўрақўрган туманининг Эттикон маҳаллалари ҳудудидан 1 минг 371 гектар ер ажратилган. У ерда 410 та қўп қаватли уй, 7 та мактаб, 4 та боғчалар боғчаси, шунингдек, қўлаб инфратузилма иншоотлари барпо этилиши режалаштирилган.

Бу борадаги ишлар аллақачон бошланган бўлиб, Юксалиш маҳалласидаги бунёдкорлик унинг биринчи босқичи ҳисобланади. 2018-2021 йилларда

амалга оширилган бу босқич доирасида 71 та қўп қаватли уй қурилди. “Юксалиш”, “Ёшлар” ва “Кушон” кичик саноат зоналари ташкил этилди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичи 2022-2024 йилларга мўлжалланган. Бу бўйича Туркиянинг “Studio Vertebra” компанияси томонидан бош режа ишлаб чиқилган.

Давлатимиз раҳбарига мазкур бош режа ҳақида маълумот берилди. Унга қўра, иккинчи босқичда 30 минг хонадондан иборат 16 ва 24 қаватли уйлар, мактаб ва боғчалар, шифохона, спорт мажмуалари, масжид, кутубхона, IT-парк, меҳмонхона, бизнес маркази, савдо ва сервис объектлари қад ростлайди.

Шунингдек, 95 гектар ерда “Янги Ўзбекистон боғи” барпо қилинади.

Шавкат Мирзиёев мазкур боғ лойиҳаси тақдими билан ҳам танишди.

2022 йилда қуриб битказиладиган мажмуада Наманган рамзи бўлган гуллар боғи, сунъий қўл, фавворалар, 1 минг 500 ўринли амфитеатр, автотурагоҳ, савдо шохобчалари ташкил этилади.

Лойиҳанинг 2024-2026 йилларга мўлжалланган учинчи босқичи ҳам бор. Мазкур “ақлли” шаҳарча тўлиқ қуриб битказилганда аҳолига шу ернинг ўзида яшаши, ишлаши ва дам олиши учун барча қўлайликлар яратилади. Натижада 2026 йилга бориб Наманган бир миллион аҳоли истиқомат қиладиган йирик шаҳарга айланади.

Президент Шавкат Мирзиёев шу йил 19 февраль куни Наманган шаҳридаги “Саховат” уйини бориб кўрган, нуронийлар учун янги бино қурилишига ваъда берган эди.

Шундан сўнг бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 120 ўринли янги “Саховат” уйи биноси, 4 та коттеж қурилди. Маъмурият ва ҳўжалик бинолари таъмирланиб,

электр энергияси, сув, иситиш тармоқлари янгиланди.

Шавкат Мирзиёев вилоятга навбатдаги ташрифи чоғида у ерга яна бориб, кексалар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди.

“Саховат” уйида ҳар бир яшовчи учун алоҳида хона ажратилган бўлиб, хоналар телевизор, музлатгич, мебель билан жиҳозланган. Ошхона, муолажа ва физиотерапия хоналари, сув ҳавзаси, тренажёр зали бир бинода жойлашгани кексаларга қўлайлик яратган. Нуронийлар вақтини мазмунли ўтказиши учун дам олиш жойлари, кутубхона ташкил этилган.

Зиёратларга бориш учун “Саховат” уйига Президент совғаси — “Isuzu” автобуси ҳам берилган.

Давлатимиз раҳбари нуронийлар билан дилдан суҳбатлашди.

— Утган сафар Худо кўнглимга солиб, сизларнинг олдингизга келган эдим. Тошкентга бориб ҳам ҳурматингизни жойига қўйиш ҳақида кўп ўйладим. Ахир, давлат раҳбари сифатида сизларга шароит яратиб бериш — менинг вазифам. Бугун мана шундай янги шароитларингизни кўриб, оғирингиз энгли бўлганини ҳис қилиб, ўзимни бахтиёр сезаяпман. Сизлар ҳаётдан рози бўлсаларингиз, Аллоҳ биздан рози бўлади, юртимиз тинч, ишимизда барака бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Нуроний ота ва онахонлар яхши шароитлар, инсон қадрига эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, юртимизга тинчлик-фаровонлик талаб дуолар қилди. Президент Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятига ташрифини якунлаб, Фарғонага жўнаб кетди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА мухбирлари



Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод

Нарзулло Обломуродовнинг сайловолди дастури бўйича амалга оширадиган ташаббуслари акс этган материаллар чоп этилмоқда.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.



2-бетга қараңг

САЙЛОВ ВА ЁШЛАР

“БИЗ ВАТАНИМИЗ ТАҚДИРИ ВА РАВНАҚИГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ”

Жорий йил 24 октябрда бўлиб ўтадиган Президент сайловида Қашқадарё вилоятидан 18-30 ёшгача бўлган 642 минг 427 нафар йигит-қиз овоз бериши кутилмоқда.

Сайлов — мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим сиёсий жараёнлардан бири. Ҳар бир сайловчи берган овоз юрт эртаси, келажагимиз ва фуқаролар ижтимоий-сиёсий ҳақ-ҳуқуқларини ўзида мужассамлаштиради. Шу маънода,

фуқаролардан сайлов жараёнларида юксак мулоҳазакорлик талаб этилади. Халқ бугун қимга юксак ишонч билдирса, у эрта бутун мамлакат тақдирини белгилаб берувчи жараёнларни бошқаради.




Давоми 3-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

МАҲАЛЛАЛАРНИНГ “ЎСИШ НУҚТАЛАРИ”

Маҳаллаларнинг ўзига хос “ўсиш нуқталари” — драйверларини белгилаш бугун аҳоли бандлиги ва доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлашда яхши самара бермоқда. Мутасаддилар кўмагида одамлар ўзи қизиққан тармоқ

атрофида бирлашиб, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ҳам яшаш жойини ривожлантириш, ҳам ўзи ва атрофдагиларни иш билан таъминлашга ҳисса қўшапти.



Давоми 4-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА МУСТАҲКАМ ИЖРО ИНТИЗОМИ — ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Халқаро тажриба шунини кўрсатмоқдаки, ҳар қандай мамлакат ташаббускор, интизомли, шижоатли ва ислохотларга дахлдорлик туйғуси билан меҳнат қиладиган, масъулиятни теран ҳис қила оладиган кадрлар билан тараққиётга эришади. Бу ҳақда сўз кетганида, кейинги йилларда Ўзбекистонда кадрлар сиёсати, давлат органлари раҳбарлари ва ходимлари шахсий масъулиятини ошириш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш йўналишидаги ислохотларни алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Самарали давлат бошқаруви тизimini яратиш жараёнида ҳар бир ходим ўз иммасидаги вазифаларни виждонан, сифатли ва масъулият билан бажариши муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий бошқарув услубларини амалиётга жорий этиш, назоратни амалга ошириш шакллари такомиллаштириш, талабчанликни қучайтириш ва белгиланган вазифалар

бажарилишини таъминлаш борасида ишлар давлат органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича қатъий чора-тадбирлар билан қучайтирилмоқда. Иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш жараёнида ижро интизомини назорат қилишнинг бундай таъсирчан услублари қўлланилиши сўнгги беш йил мобайнида мамлакат

ни барқарор ва жадал ривожлантириш имконини берди.

Қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ижросини ташкил этиш ва самарали мониторинг тизimini яратиш, белгиланган мақсадларга эришиш бўйича барча даражадаги раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини қучайтириш мақсадида жорий йил 10 февралда Ўзбекистон Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини қучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.



Давоми 3-бетда

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ВА ИСЛОМ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ АРХИТЕКТУРАСИ

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигининг 30 йиллигини кенг қўламли ислохотлар, очик, тинчликпарвар ва прагматик ташқи сиёсатининг изчиллиги бутун дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган бир шароитда кутиб олди. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кузатилаётган очиклик, инновация ва янгиланишлар, либераллаштириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, рақамлаштириш, янги технологияларни жорий қилиш, таълим ва маърифат, фуқаролар фаоллиги ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясига эътибор сингари тамойиллар мамлакатимизнинг халқаро муносабатларига ижобий таъсирини кўрсатмоқда — дунёда Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва ҳамкорликка интилиш кучайди.



Давоми 4-бетда

КИНОФЕСТИВАЛЬ

“ИПАК ЙЎЛИ ДУРДОНАСИ”ДА “ХАЛҚ ЮРАГИ”НИНГ ТАФТИ

— Она! Нечунгина йиғлайсан? Бугун саодатга эришдик, яна қайғурасанми? Бугун ўз тилагингга етишдинг, кўз ёшларингни тўқадиранми? Эмди қайғурмоқ чоғи битди, йиғламоқ палласи йўқ бўлди, роҳат қуналаринг етишди, онам!..

“Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивали доирасида Адиблар хиёбонининг сўлим боғида тақдим этилаётган “Халқ юраги” туркумидаги ҳужжатли фильмларни томоша қилар эканман, ҳар гал Абдурауф Фитратнинг “Юрт қайғу-



си” номли асаридаги ушбу сўзлар ёдимга тушади. Фильм воқеаларига қизгин муносабат билдираётган йиғит ва қизларни кузатиб, мамлакатни

миз равнақи, тақдири учун жонфидо авлод етишиб келаётганидан қалб фаҳрга тўлади.



Давоми 6-бетда

Нарзулло ОБЛОМУРОВОДОВ:

ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

БАРЧАМИЗ УЧУН ҲАЁТ-МАМОТ, ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ВА КЕЛАЖАГИМИЗНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ УСТУВОР МАСАЛА

Инсоният бугун табиат қадрини, унинг неъматлари бебаҳо эканини тобора англаб етмоқда. Бугун дунё миқёсида бошланган ўнлаб глобал муаммолар — иқлим ўзгариши, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, сайёраимиз ҳароратининг кўтарилиб бориши, қурғоқчилик, буларнинг барча-барчаси негизда битта нарсга, у ҳам бўлса асрлар давомида инсониятнинг табиатга етказиб келаётган зарарлари ҳосиласи ётади. Табиатнинг мана шу “огоҳлантириш”лари биргина мамлакат ёки халқ учун эмас, бутун инсоният учун жиддий огоҳлик қўнғироғи бўлиши керак. Атроф-муҳит билан боғлиқ вазифалар ҳаммиша эътиборимиз марказида туриши зарур.



Тан олиб айтиш керак, шу вақтгача экология ва атроф-муҳит билан боғлиқ масалалар қанчалик кўп кўтарилмасин, муаммолар айтимасин, уларнинг ечимига келганда етарлича шугулланмадик. Оддийгина жамоатчилик назорати билан бир дарахтни ёки яшил ҳудудни сақлаб қолиш учун одамлар қаерга мурожаат қилиши ёки мурожаат борган ташкилот қандай чора қўриши кераклиги ҳам чигал масалага айланиб қолган эди. Ёки керакли-кераксиз жойларга ҳам арча экиш кампанияси шунчалик авж олгандики, бу кимга зарурлиги ёки нима учун кераклигини ҳатто мутахассислар ҳам аниқ изохлай олмади.

Сўнгги йилларда саноат корхоналари сони 2 баравар кўпайиб, шаҳарларда чанг-газ миқдори меъёрдан 4 баравар ошган. Атмосферага заҳарли ташланмаларнинг 90 фоизи Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон, Навоий, Бухоро, Чирчиқ, Ангрен, Олмалик, Бекобод, Гулистон ва Нукус шаҳарларига тўғри келади. Шу билан бирга, ҳудудларда “яшил майдон”лар 3-4 бараварга қисқариб, ўртача 8 фойздан камайиб кетди. Ер усти ва ер ости сув сатҳининг кескин пасайиши ҳам экологик вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бугун дунё миқёсида атмосферага заҳарли моддалар чиқариш кўпайиб бормоқда. Биргина юртимизда атмосфера ҳавосига ҳар йили 2 миллион 200 минг тоннадан ортқ заҳарли ташламалар тушяпти. Бу эса атроф-муҳит мусоффолиги, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, коронавирус пандемияси шароитида дунёда бир йилда 1,8-3 миллион киши

ушбу хасталик туфайли вафот этган бўлса, атмосферадаги заҳарли моддалар сабаб 7 миллион киши оламдан ўтмоқда. Бу маълумотлар биздан огоҳлики, ушбу масалага янада жиддий эътибор қаратишни талаб этади. Шу сабабли биз бу борадаги ҳуқуқий тартибларни кучайтириш, алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сураимиз.

Бундан ташқари, ҳудудларда маиший чиқиндиларни хусусий шериклик асосида бошқариш бўйича режа қилинган 62 та лойиҳадан бор-йўғи 15 тасига тadbirkor жалб этилган. Бу борада Бухоро, Наманган, Фарғонадан ташқари бошқа бирорта ҳудудда ишлар якунига етказилмаган.

Бу муаммолар бир ёки икки йиллик эмас. Бу йигирма-ўттиз йиллар давомида атроф-муҳитга қилинган тажовузлар, табиат неъматларидан тартибсиз ва ҳужасизларча фойдаланилгани, экология масаласи ҳаммиша эътиборимизнинг энг қўйи поғонасида бўлиб келгани оқибатидир.

Биргина дарахт кесишишни олайлик. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесишишига мораторий жорий этилган эди. Кейинчалик ушбу мораторий муддати 2021 йил якунигача узайтирилди. Аммо маълумотларга кўра, ўтган даврда 2,8 мингта қимматбаҳо ва 2 мингдан зиёд кам қимматли дарахтлар ноқонуний кесилгани жуда аянчли ҳолдир. Чунки битта дарахтнинг вояга етиб, ерга мустаҳкам ўрнашиб олиши, атрофга соя ёки мева бериши учун йиллар керак бўлади.



Шундай экан, беш мингта яқин эмас, бир дон дарахтнинг ҳам кесилишини она табиатга етказилган бемисл зарар сифатида қабул қилишимиз, ҳар бир дарахтни ҳимоя қилишнинг бутунлай янги механизмларини, дарахт кесувчиларга ҳам, бунга рухсат берганларга ҳам янада огирроқ жазо чораларини қатъий белгилашимиз шарт.

Экологик таълим-тарбия масаласида сайловчилардан ҳам кўплаб таклифлар тушмоқда. Мисол учун Самарқандда ўтган учрашувда Каттақўрғон туманидаги 3-мактабгача таълим ташкилоти директори Латофат Қодирова боғчалар ҳовилиларида экологик боғлар ташкил этиш бўйича яхши таклиф билдирди. Барча шаҳар ва қишлоқларимиздаги мактабгача таълим ташкилотлари ҳовлисида, албатта, очик ёки кўкаламзорлаштирилган, гул ва дарахтлар экилган майдонлар бор. Ана шу жойларга экологик боғ, деб ном бериб, уларни ўсимлик дунёси билан бойитсак, бу ҳам болаларимизни ёшлигидан табиатни, атроф-муҳитни асраб-авайлашга даъват этишга яхши туртки бўлади.

Бир сўз билан айтганда, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси — барчамиз учун ҳаёт-мамонт, эртанги кунимиз ва келажагимизни белгилаб берувчи энг устувор масала. Агар мамлакатимиздаги мавжуд табиий ресурслар, имкониятлардан самарали ва тежаб-тергаб фойдалансак, Ўзбекистонда энергетика масаласида муаммо бўлмайди. Бутун жамиятимизда экологик масалаларга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришимиз, экологик маданиятни юксалтиришимиз, соҳадаги мавжуд муаммолар ечими — фаровон келажагимиз гарови. Бунинг натижаси беш-ўн йиллик қисқа муддатда эмас, асрлар давомида атроф-муҳит мусоффолиги, ватанимизнинг бетакрор табиати ва фарзандларимизнинг соғлом келажагида ўзини намоён этиб туради.



Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Нарзулло Обломуродовнинг Сайловолди дастуридан:

Биз “Она табиатни асраб-авайлаш муқаддас бурчимиздир!” шиори остида аҳоли учун қулай яшаш шароитларини яратиш мақсадида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини сақлаш борасида барча чораларни кўраимиз.

Биз биологик хилма-хилликни ва экотизимларни сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонларини кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби-га киритилган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари муҳофазасини кучайтириш мақсадида тегишли қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштирмоқчимиз.

ЭНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАР ҚАМРАБ ОЛИНГАН

Бекзод НАРИМАНОВ,
Тошкент давлат юридик университети доценти:

— Нарзулло Обломуродов дастурида белгиланган вазифалар ҳар биримизнинг келажагимизга бевосита дахлдор бўлгани сабабли эътиборимни тортди.

Дастурда алоҳида эътибор қаратилган масала мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик асосида чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштиришдир. Хусусан, Наманган шаҳри, Тўрақўрғон, Мингбулоқ ва Наманган туманларида маҳаллаларни санитар тозалаш хизматлари билан қамраб олиш даражаси 92 фоизга етиб, тушумлар 2 бараварга ошган.

Бундан кўриниб турибдики ушбу тизимни янада такомиллаштириш ўзини оқлайди.

Эътиборимни тортган иккинчи жиҳат эса, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фуқаровий, маъмурий, жиноий жавобгарлик чораларини кучайтириш, атроф-муҳитга етказилган зарар ўрнини қоплашнинг самарали механизмларини жорий этишдир. Дарҳақиқат, Президентликка номзод Нарзулло Обломуродовнинг мазкур таклифи жуда долзарб. Чунки фақат шу йўл билангина биз экологик муаммоларга самарали ечим топа олишимиз мумкин.

Учинчи жиҳат, бу — давлат бошқарув тизимида экология соҳасидаги маъмурий изохотларни амалга ошириш. Юқоридаги изохотларни давлат бошқарув тизимида

экология соҳасидаги маъмурий изохотларсиз амалга ошириш даргумон. Экология соҳасидаги давлат бошқарувида “суяги қотган” Нарзулло Обломуродов бундан яхши хабардор, албатта.

Тўртинчи жиҳат — “Электрон ҳукумат” тизимини янада кенг жорий этиш орқали давлат хизматларини кўрсатиш тизими самарадорлигини ошириш бўлиб, бу эса соҳада бюрократияни камайтиришни кафолатлайди, деган умид-даман.

Назаримда, мазкур номзоднинг сайловолди дастурида жамият ҳаётида долзарб бўлиб турган барча масалалар қамраб олинган. Шунинг назарда тутилган ҳолда, сайловда Нарзулло Обломуродов номзодини қўллаб-қувватлаш ҳар томонлама ўзини оқлайди, деб ҳисоблайман.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ МУАММО

Муҳиддин ПЎЛАТОВ,
Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти ректори:

— Номзоднинг сайловолди дастурида бугун барчани ўйлантирган, олдимизда турган вазифалар жамланган. Унда таълим соҳасига ҳам катта эътибор қаратилган. Ўзбекистонда олий таълимнинг янги босқичи ривожланмоқда. Табиат ва экологияни асрашда ёш мутахассисларнинг ўрни катта ва уларнинг сифатли таълим олиши бу борада қўйилган пойдевордир.

Экологиянинг барча таълим соҳалари учун муҳимлигини таъкидлаш лозим. Зеро, ҳар қандай лойиҳада ўша ҳудуднинг экологик ҳолатини ўрганиш ва бунга ҳулоса бериш керак бўлади. Буни экология соҳасидаги муносиб кадрларгина амалга ошира олади. Шунинг учун экологик билимни таълимнинг барча даражаларига киритиш мақсадга мувофиқ.

ОЛДИМИЗДАГИ ВАЗИФАЛАР УЛКАН ВА САНОҚСИЗ

Жусипбек КАЗБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари:

— Яқинда БМТнинг 3 минг саҳифадан иборат, 245 давлатда ўтказилган экспертлар ҳисоботи чиқди. Унда дунё ҳамжамияти агар шу ҳолатда ривожланишда давом этса, экология жар ёқасига келиб қолишини маълум қилди.

Иқлим ўзгариши аниқ инсон фаолияти натижасида содир бўляпти. Бу ёнига ҳамма биргаликда ва ҳамжиҳатликда ишламаса, мисли қўрилмаган фожиали муаммолар келиб чиқаверади. 2050 йилгача иқлим ўзгариши ва ҳарорат ортишини 1,5 даражада ушлаб тура олмадик ва кўрсаткичлар бундан ҳам ортиб кетарсиз, оқибати аянчли бўлиши мумкин. Бугун Африкада ёғаётган қорлар, максимал даражада эриётган музлар бунинг ёрқин мисолидир.

Экология соҳасида олдимизда турган вазифалар қанчалик улкан ва саноқсиз эканлиги давлат даражасида айтиляпти. Ўзбекистон Экологик партиясидан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурида ана шундай экологик муаммолар ечими борасида аниқ таклифлар ўз ифодасини топган.

“ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА ТАШАББУСИ

Улуғбек РАЗЗОҚОВ,
Навоий вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи:

— Нарзулло Обломуродовнинг сайловолди дастурида кўтарилган яшил энергетика масаласи аҳоли учун ҳам, ишлаб чиқарувчи учун ҳам электр таъминотининг пасайишига олиб келади. Демак, бу халқ ва давлат учун бирдек фойда келтиради. Қўёш ва шамолдан фойдаланиб тежамкор энергия олинса, ҳисоб-китобларга кўра, электр энергияси нархи 100 сўмга арзонлашади. Республикадаги чекка қишлоқларда электр энергияга бўлган эҳтиёж қондирилади. Тadbirkorлар олдидаги муаммолар ҳам ечилади ва мамлакатнинг экспорт ҳажми ортади.

Чиқиндиларни қайта ишлаш соҳаси сўнгги йилларда анча ривожланыпти. Бироқ саноат чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича ҳолат ҳали ҳам талабга жавоб бермайди. Бу ҳам дастурдан ўрин олгани таҳсинга лойик.

Агар буни оддий қилиб сайлов жараёнида сайловчиларга тушунтира олсак, барча бирдек Экопартия номзодини ёқлашга шубҳам йўқ.

БОЛАЛАР МАКТАБГА ҚАЙТДИ

Дилфуза САДРИДДИНОВА,
Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи:

— Аҳолининг муаммоси, дарди, ташвишини бориб жойида ўрганиш катта меҳнат ва жасоратдир. Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги Манас қишлоғи ҳамда Пахтакор туманида “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари бўйича қилинган ишлар айтишга осон. Буларнинг барчасида Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Нарзулло Обломуродовнинг ҳиссаси катта, деб ҳисоблайман. У уй-жойга муҳтож, анча йиллар эътибордан четда қолган аҳолига шароитлар яратишда ёрдами аямаган.

Пахтакор туманининг замонавий қиёфа касб этишида у кишининг кўп меҳнати сингган. У ерларда юзлаб болаларнинг халқ таълимига жалб қилинмагани, ўқишга буткул эътиборсизлигининг гувоҳи бўлганмиз. Шундай бир пайтда Нарзулло Обломуродов ўз ташаббуси билан аҳоли хонадонини ижарага олган ва шувоқ тежмаган хоналарга парта-стул қўйдириб мактаб ташкил қилган эди. Қишлоқда ҳозир барча шароитга эга уй-жойлар, иккита умумтаълим мактаби ташкил этилди. Ёшларни иш билан таъминлаш учун тикув фабрикаси ҳам фаолият юритмоқда.

Шунинг учун ҳам мен бу номзодни сайловлар жараёнида қўллаб-қувватлашга тайёрман.



ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД НАРЗУЛЛО ОБЛОМУРОВОДГА ОВОЗ БЕРИНГ!



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА МУСТАҲКАМ ИЖРО ИНТИЗОМИ — ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Шоҳруҳ ШАРАҲМЕТОВ,
Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Фармонда белгиланган чора-тадбирлар ижроси ва ижро интизомининг идоралараро ягона электрон тизимини жорий қилиш механизми давлат органларининг барча ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонига айланиши лозим. Шундагина бу тизим амалда ўз самарасини беради. Бунинг учун эса фармон мазмун-моҳиятини тушуниш ва англаш, унинг мақсадлари ва белгилаб берилган вазифаларни давлат органларининг барча даражадаги ходимлари ўртасида кенг тарғиб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Айни мақсадда жорий йил 18 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси томонидан ўтказилган йиғилишда Монополияга қарши курашиш қўмитаси раҳбариятининг ижро интизоми мустаҳкамлаш борасидаги шахсий масъулияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди. Муҳокама жараёнида асосий ургу қўмилада жорий қилинган ижро интизоми ва мавжуд камчиликлар танқидий таҳлили ҳамда мазкур тизимни янада такомиллаштириш масалаларига қаратилди.

Қўмилада ижро интизоми тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш ва янги механизмларни жорий этиш бўйича ишларни ташкил этишда Президентнинг қўриқларида қайд этилган фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асос бўлди.

Қўидаги механизмлар бу тизимнинг асосини ташкил қилади:

биринчидан, келиб тушаётган барча топшириқ ва мувожаатлар уларнинг ижрозиларга етказилишидан тортиб ижро этилишига қадар доимий назоратни таъминлаш мақсадида **тулиқ электрон форматга** ўтказилди.

Бунда қўмитанинг барча таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига электрон маълумотлар базаси билан **“бир нуқтадан”** ишлаш, қўғозсиз ҳужжат айланиши ва ижро интизоми устидан назоратни таъминлаш имконини берувчи **“Ijro.gov.uz”** ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига интеграциялашган **“асгу.ijro.uz”** электрон тизими ишга туширилди;

иккинчидан, қўнунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг **барвақт** ижросини таъминлашнинг қўидаги босқичлардан иборат аниқ механизми жорий этилди:

— **назорат режалари** ишлаб чиқиш;

— ижрозиларнинг топшириқлар устида **бир вақтнинг ўзида** ишлашни мувофиқлаштириш;

— марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмаларда қўнунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни ижро этиш жараёнининг **кунлик** мониторингини амалга ошириш;

— бошқа давлат органлари билан маълумотлар ва ахборотлар тезкор алмашувини йўлга қўйиш;

учинчидан, ижро жараёнида формализм ва юзакӣ ёндашувга чек қўювчи ижро сифатини баҳолаш тизими жорий этилди;

тўртинчидан, қўнунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси ҳолатини мунтазам равишда муҳокама қилиш амалиёти жорий этилди. Бунда раиснинг биринчи ўринбосари бошчилигида ҳар ҳафтанинг **жума кўни**, қўмида раиси бошчилигида эса ҳар ҳафтанинг **душанба кўни** муҳокама ўтказилади.

Бундан ташқари, **ҳар ой** ва **ҳар чорак** якуни бўйича қўмида ҳайъати йиғилишларида марказий аппарат бўлинмалари ва ҳудудий бошқармалар раҳбарларининг **шахсий масъулиятга тегишли ҳисоботлари эшитиб борилмоқда**;

бешинчидан, қўмитанинг ҳар бир таркибий ва ҳудудий бўлинмасида ижро интизомига **масъул мутахассис** белгиланди;

олтинчидан, ижро интизоми масалалари бўйича қабул қилинган қўнунчилик ҳужжатлари талабларини кенг тарғиб қилиш мақсадида қўмитанинг барча даражадаги таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимлари учун **семинар-тренинглар** ташкил этилмоқда.

Шу ўринда қўмилада **“технологик занжир”** тамойилига асосланган янги ижро интизоми тизимининг жорий этилишида муҳим роль ўйнаган **яна бир омил** — Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг жорий йил 24 июлда **“Янги Ўзбекистон”** газетасида чоп этилган **“Ишни жамоа бажаради, масъулият эса шахсий!”** сарлавҳали мақоласини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мазкур мақолада юқори ижро интизоми таъминлаш борасида кўрсатиб ўтилган камчиликлар сабабларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, қўмида раҳбарияти томонидан уларнинг келгу-

сида тақорланишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди ҳамда **кунбай** назорат тизими яратилди.

Шунингдек, давлат органлари фаолияти самарадорлигини ва раҳбарлар **шахсий масъулиятини** ошириш мақсадида жорий қилинаётган яна бир янги тизим алоҳида эътиборга молик.

Бу ерда сўз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида олдимизда турган устувор, стратегик ва долзарб вазифаларни тезкор ҳал қилишда давлат органлари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини белгиланган мақсадларга эриштирилишининг асосий мезонлари орқали баҳолаш тизими ҳақида бормоқда.

Бугунги кунда давлат органлари раҳбарлари иш фаолиятида самарадорликка эришиш даражасини рақамларда баҳолаш долзарб масала бўлиб, замонавий тилда **самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари (КРІ)** деб юритилади. Айнан шу рақамлар давлат органларида белгиланган мақсадларга эришиш даражаси қандай ҳолатдалигини кўрсатиб беради.

Қўмида раиси ўринбосарлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими КРІ мезонлари (индикаторлари) асосида **Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 22 июлдаги “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 июлдаги “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Ушбу рейтинг баҳолаш тизими раис ўринбосарларининг ўз лавозими талабларига қанчалик жавоб бериши ҳамда шахсий масъулияти даражасининг уларга юклатилган вазифаларга мувофиқлигини аниқлаш имконини беради.

Раиснинг ҳар бир ўринбосарининг **КРІ** кўрсаткичлари уларга юклатилган **функционал вазифалар** ва белгиланган **6-8 та** кўрсаткич бажарилишидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Шу ўринда қатор саволлар туғилади. Янги ижро интизоми тизими қўмитанинг фаолият самарадорлигига қандай таъсир кўрсатмоқда? Ҳо-

зир ҳам ижро муддати кечикаётган топшириқлар мавжудми? Ижрозилар масъулиятини ошириш қандай кечмоқда?

Қўмидаги жорий йилнинг ўтган даври давомида жами **583 та** топшириқ келиб тушган ва назоратга олинган. Шундан **13 таси (0,2 фоиз)** муддатидан **кечкиб бажарилган**.

Қўмида ижро назорати бўйича қатъий тартиб ўрнатилган бўлиб, унга кўра, топшириқларнинг ижро муддати **кечкикан ёки сифатсиз бажарилган** тақдирда тегишли **интизомий чоралар қўрилади**. Хусусан, юқорида кўрсатиб ўтилган 13 та ҳолат бўйича масъулларга тегишли **интизомий чоралар** қўлланилган ва 1 нафар ходимга **ҳайфсан** эълон қилинган.

Жорий йилда ўтказилган ижро интизоми мониторингини натижалари бўйича Хоразм ва Жиззах вилоятларидаги ҳудудий бўлинмаларнинг қатор раҳбарлари ва ходимларига нисбатан ҳам тегишли **интизомий чоралар қўлланилган**.

Шу билан бирга, топшириқларни **кечкиб бажариш** сабаблари таҳлили барча камчиликларга **жорий йилнинг январь-май** ойларида, яъни янги ижро интизоми тизими жорий қилинганга қадар йўл қўйилганини кўрсатди.

Бундан хулоса шуки, **қўмида тизимидаги барча раҳбарлар ва ходимлар шахсий масъулиятини** ошириш ҳамда жамоавий интизомни кўчайтириш бугунги кўннинг долзарб талабидир.

Бугунги кунда қўмида тизимида қўмида расисдан оддий ходимгача барчанинг лавозим йўриқномалари ва хизмат вазифалари тасдиқланган. Ходимларга қўмида фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва уларнинг қўнунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси учун шахсий масъулияти юзасидан аниқ тушунтиришлар берилган.

Хусусан, қўмида ходимларга тизим фаолияти ва ижро интизомига оид тегишли ҳужжатлар мазмун ва моҳиятини тушунтириш юзасидан тарғибот ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, қўмида раиси ўринбосарлари томонидан **мувофиқлаштирилаётган йўналишлар** тасдиқланди. Бу эса уларнинг ўз функционал вазифаларини аниқ билиши ва англаши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Қўмитанинг мувожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми бўлими фаолияти ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган фармон ва қарорларда белгиланган талаблар асосида тубдан ислох қилинди ҳамда бўлим фаолиятини мувофиқлаштириш бевосита қўмида раисига юклатилди.

Умуман айтганда, **янги ижро интизоми тизими жорий қилинишининг тезкор самарасини** қўмида фаолиятида бевосита ҳис қилдик. Бунга эришишнинг **асосий омилларидан** бири ижро интизоми мустаҳкамлашда қўидаги устувор йўналишларга асосланган ягона ва ўзлуксиз **“технологик занжир”**нинг яратилиши бўлди:

— қўнунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ҳар томонлама пухта ҳамда профессионал даражада тайёрлаш;

— қўнунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини самарали ва режали ташкил қилиш, уларнинг бажарилиш ҳолатини мақсадли ўрганиш ва аниқланган камчиликлар бўйича тезкор чоралар қўриш;

— қўнунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси юзасидан аниқ механизмлар, муддатлар ва масъулларни белгиллашни назарда тутувчи **шахсий “йўл хариталари”ни (ҳаракат режаларини)** ишлаб чиқиш;

— ташкилий ва ижро фаолияти натижадорлиги учун қўмитанинг барча бўлинмалари **раҳбарияти ва ходимлари шахсий масъулиятини** белгилаш;

— қўнунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ўз вақтида таъминламаган раҳбарлар ва ходимларга нисбатан **қатъий интизомий чораларни** қўллаш.

Қўмида келгусида **ижро интизоми янада мустаҳкамлаш ва мақсадли кўрсаткичларга сўзсиз эришиш бўйича қўшимча вазифа ва режалар белгилаб олинган**. Бунда қўмида ижро интизоми механизмларини янада такомиллаштириш бўйича ишлар Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишда белгилаб берилган қўидаги устувор йўналишлар бўйича амалга оширилади:

биринчидан, қўмида раиси ўринбосарларининг функционал вазифаларини қайта қўриб чиқиш, қўмида фаолиятининг муҳим йўналишлари бўйича уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, батафсил шахсий иш режаларини ишлаб чиқиш, қўи бўғинлар фаолиятини танқидий ўрганиб бориш, эришилган натижаларни тизимли ва танқидий таҳлил қилиш;

иккинчидан, қўмида таркибий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари раҳбарларига қўидаги вазифаларни юклаш:

— ҳар бир ходим учун фаолиятнинг **самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш мезонларини (КРІ)** ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

— ижро интизоми масаласи бўйича ҳисоботларни мунтазам эшитиш, ходимлар малакасини ошириш мақсадида **тренинглар ва семинарлар ташкил этиш**;

— ойллик шахсий **“йўл харита”**ларини ишлаб чиқиш ва бажарилиши устидан назорат ўрнатиш;

— **“Ijro.gov.uz”** электрон тизимидаги топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича барча даражадаги раҳбарлар ва ходимлар фаолиятини **кунбай асосда ташкил қилиш**.

Хулоса шуки, юртимиздаги ўзгаришларни бутун дунё кузатмоқда. Шундай экан, олдимизга қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш ҳар биримиздан катта масъулият, фидойилик ва машаққатли меҳнатни талаб этади.

САЙЛОВ ВА ЁШЛАР

“БИЗ ВАТАНИМИЗ ТАҚДИРИ ВА РАВНАҚИГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ”

Бошланиши 1-бетда

Ёшларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллиги давлат аҳамиятига эга муҳим масалалардан биридир. Шу боис, қашқадарёлик ёшлар сайловининг ташкилий ишлар

рида доим фаол. Вилоятдаги сайловчиларнинг қарийб учдан бир қисмини ташкил этаётган ёшларга миллий сайлов тизимидаги ислохотлар самаралари ҳақида тушунчалар берилиб, сайлов жараёнлари

билан таништириб борилмоқда.

Қўида Қашқадарё вилояти “Келажак лидерлари” клуби аъзоларининг сайлов олди жараёнлари, шунингдек, сайлов бўйича фикрлари билан танишасиз.

Забаржад ҚАҲҚОРОВА,
Қарши давлат университети талабаси:

— Мамлакатимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалда тўла таъминлаш, миллий сайлов қўнунчилиги ва халқаро сайлов андозаларини тарғиб қилиш, ўрганиш ва ўргатишга бугунгидек юксак эътибор қаратилмаган, кенг шароит ва қўлай имкониятлар яратилмаган.

Президент сайловида илк бор иштирок этаётганим учун бироз ҳаяжонданам. Зеро, бу муҳим сиёсий жараён юртимизнинг эртанги тараққиёт йўли қандай бўлишини белгилаб беради. Қўнунчилигимизга кўра, сайловчининг сайловда овоз беришда иштирок этиши мажбурий эмас, балки ҳуқуқ саналади. Бироқ бу ҳуқуқдан самарали фойдаланиш, ўз тақдирини давлат, жамият, халқ тақдирини билан боғлиқ ҳолда қўриш, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлиш ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчидир. Шу боис, ўз ҳуқуқимдан тўла-тўқис фойдаланиб, юртим тақдирига дахлдор эканимни кўрсатаман.

Инсон дунёга келар экан, ўз йўналиши, ҳаётдаги ўрни, ўқиши, иши, ўқимоқчи бўлган китоби, ёқтирган машғулоти, дўстлари — барча-барчасини танлаш ҳуқуқига эга. Танловларни эркин, хоҳиш ва истакларимизга кўра амалга ошираемиз. Бизнинг танловимиз келажакимизни белгилайди. Шундай экан, ўз келажакимизга бефарқ бўлмаган ҳолда, фаол фуқаролик ҳуқуқимизга кўра, ёш сайловчи сифатида муносиб номзодга овоз бераман. Зеро, халқимиз келажакига, унинг эртанги кўнига бефарқ эмасман.



Лола РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Қарши давлат университети талабаси:

— Ўз ҳақ-ҳуқуқи ва бурчларини чуқур англаб етган ёш авлод мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган фаол қатламга айланди. Шу боис, Қашқадарё вилояти ёшлари ҳам сайловга қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

24 октябрь санасидаги сайлов очлиқ, ошкоралик ва ҳалоллик тамойиллари асосида ўтишига шубҳа йўқ. Бунда эса демократик ислохотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилаётгани, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб, ижтимоий фаоллиги ортаётгани, адолатлилик, ҳолислик принциплари устуворлигини кўриш мумкин.

Оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали сайловга тайёргарлик ва тарғибот ишларини кузатиб борялман. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда сайловолди жараёни демократик руҳда кечмоқда. Тан олиш жоиз, бугунги кун ёшлари реал ислохотларга ишонади, масъулиятни ҳис этади. Ватан тақдирига, эртанги кўнга бефарқ бўлмаган инсон борки, ўзи муносиб кўрган номзодга овоз беради.

Сайловда илк бор иштирок этаётган ёшларнинг доимий равишда ўз сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириб бориши, жамиятимиз



ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиши мамлакатимизда кечаётган кенг қамровли ислохотлар самараси ва таъсирчанлиги ошишига хизмат қилади. Мен ҳам ўз фуқаролик ҳуқуқимдан фойдаланган ҳолда муносиб номзодга овоз бераман.

Қашқадарё вилояти “Келажак лидерлари” клуби ахборот хизмати раҳбари Муҳаммадали МАМАДАЛИЕВ ёзиб олди.

Аббосхон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти “Келажак лидерлари” клуби раҳбари:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг яқин ва узоқ муддатли истиқболи учун улкан аҳамиятга молик ҳодисадир.

Юртимизда умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш тамойилларига таянган ҳолда сайлов ҳуқуқини таъминлаш, сайловни эркин ва адолатли, очлиқ ҳамда ошқора ўтказишга оид ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга, жумладан, замонавий демократик сайлов тизимини ривожлантиришга қаратилган изчил чоралар қўрилди.

Ўзбекистон сайлов қўнунчилиги шу давргача бўлиб ўтган сайловлар давомида тўплаган миллий тажриба, илгор хорижий амали-



ёт, халқаро стандартлар, фуқароларнинг сиёсий онги ўсиши, демократик ислохотларнинг бориши ва талабларини ҳисобга олган ҳолда ривожланиб бормоқда.

Биз — ёшлар ўз фуқаролик позициямизни аниқлаб олишимиз керак. Мен ҳам мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Президент сайловида ёш сайловчи сифатида иштирок этаман. Ватанимиз тақдирини, юртимиз раванқига бефарқ бўлмаган ҳамда ўзим муносиб кўрган номзодга овоз бераман. Кейинги 5 йилликда халқимиз, хусусан, ёшларнинг ҳаётига улкан таъсир кўрсатадиган ушбу сиёсий жараёнларга бефарқ эмасман. Сиз ҳам бефарқ бўлман!

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ВА ИСЛОМ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ АРХИТЕКТУРАСИ

Фуркат СИДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ташқи ишлар вазири ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Изчил ислохотлар даври халқаро илмий ва эксперт доиралари вакиллари томонидан Ўзбекистон ривожланишидаги янги босқич, дея таърифланмоқда. Ўзбекистонда турли соҳалардаги янгиланиш руҳи ва ўзгаришлар кўлами давлат ва жамиятнинг жадал ривожланиши, халқ фаровонлиги ошиши, осийишталикни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистони ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналишида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу йўналишда ҳаётга татбиқ этилаётган муҳим чора-тадбирлар жамиятдаги ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамламоқда.

Бу бутун дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда тан олинмоқда. Жумладан, мамлакатимизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, диний қадриятларни эъзозлаш, бағрикенглик таъминотида содиқлик ислом дунёси давлатлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда, уларни Ўзбекистонга янги муносабатда бўлиб, турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга ундамоқда. Дадил айтиш мумкинки, сўнгги йилларда араб ва бошқа мусулмон мамлакатларининг Ўзбекистон билан муносабатларида кескин бўрилиш кузатилмоқда.

2020 йилда Бухоро шаҳри Ислום маданияти пойтахти, деб эълон қилингани, 2021 йил сентябрь ойда Тошкентда биринчи марта Ислום тараққиёт банки бошқарувчилари кенгашининг йиллик йиғилиши ўтказилгани ва бошқа йирик тадбирлар шундан далолат бермоқда.

Олий ва юқори даражадаги ташрифлар фаоллашгани, инвестициялар ҳажми кенгайиб, қўша лойиҳалар сони ошаётгани, турли соҳа вакиллари ўртасидаги мулоқот самарадорлиги юксалётгани Ўзбекистон ва ислом давлатлари ўзаро ҳамкорлигининг янги босқичга чиққанидан дарақидир. Ўртимиздаги янгиланишлар ва ўзгаришлар жараёни ислом-араб давлатлари раҳбарияти ва халқлари томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани бунга асос бўлмоқда, десак ҳеч муболага бўлмайди.

Ўзбекистон Президентининг Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларига, Миср Президенти Абдул Фаттоҳ ас-Сиси ва Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг мамлакатимизга расмий ташрифлари, турли халқлар анжуманлар доирасидаги олий даражадаги учрашувлар, онлайн шаклдаги видеосаммитлар ва телефон орқали мулоқотлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга, янги стратегик йўналишларни белгилаб олиш, истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Янги руҳ ва мазмундаги сиёсий муҳит савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш учун кучли туртки бўлди.



Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Ҳумрозов бошчилигидаги делегацияларнинг Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари ва Покистонга ташрифлари натижасида мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция оқими кўпайтириш, мутлақо янги мазмундаги замонавий қўша лойиҳаларни амалга ошириш, ўзбекистонлик тадбиркорлар ишлаб чиқараётган турфа маҳсулотлар экспорт географиясини кенгайтиришга эришилди.

Мамлакатимиз ва араб давлатлари ташқи ишлар вазири даражасида сўнгги беш йилда 14 та ташриф ва 13 та сиёсий маслаҳатлашув ўтказилгани ҳам ушбу ўзгаришларнинг ёрқин мисоли бўла олади.

Хусусан, коронавирус пандемияси шароитига қарамай, жорий йилда Ўзбекистонга Саудия Арабистони инвестициялар вазири Халид ал-Фалих, ташқи ишлар вазири Файсал бин Фарҳон, молия вазири Мухаммад ал-Жосир, Кувайт ташқи ишлар вазири, Вазирлар Маҳкамаси ишлари бўйича давлат вазири шайх Аҳмад Носир ал-Мухаммад ас-Сабоҳ, молия вазири, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўша комиссиянинг Кувайт томондан ҳамраиси Халифа Мусайд Ҳамаднинг ташрифлари бўлиб ўтди.

Шунингдек, Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумат ва келажақ ишлари вазири Мухаммад ал-Қарқовий, энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мавруий, Қатар Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири Шайх Мухаммад бин Абдураҳмон бин Жосим Ол Соний, Ислום ҳамкорлик ташкилоти Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Юсуф Алдубей ва бошқа етакчи сиёсий арбоблар ҳам Тошкентда бўлди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири апрель ойда Қатарда амалий ташриф билан бўлди ва Қатар амيري шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний томонидан қабул қилинди. 22-25 февраль кунлари эса

мамлакатимиз ташқи ишлар вазири ўринбосари бошчилигидаги делегациянинг Қатарга сафари доирасида сиёсий маслаҳатлашувларнинг иккинчи давраси ўтказилди.

Жорий йил июлда Тошкент шаҳрида ўтказилган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам хорижий давлатларнинг юқори даражадаги делегациялари иштирок этди.

Ўзаро манфаатли муносабатларнинг янги архитектураси, ишончга асосланган мулоқотлар самарасида мамлакатимизда инвестиция ва бошқа соҳалардаги лойиҳалар кўлами кенгайиб бормоқда.

Эътиборлиси, ушбу лойиҳалар замонавий, илгор ва истиқболли йўналишларга оид бўлиб, давлатларимизнинг инклюзив иқтисодий ривожланишига хизмат қилмоқда. Масалан, қайта тикланадиган энергетика соҳаси араб давлатлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Саудия Арабистонининг "Acwa Power" компанияси томонидан Сирдарё вилоятида иссиқлик электр станцияси, Навоий ва Бухоро вилоятларида шамоли электр станцияларини қуриш учун 2,5 миллиард доллар жалб қилинди, Қорақалпоғистонда ушбу йўналишда умумий миқдори 140 миллион долларга тенг лойиҳа бўйича ўтказилган тендерда ҳам "Acwa Power" ғалаба қозонди.

Мустақиллик байрами арафасида Навоий вилояти Қармана туманида Бирлашган Араб Амирлигининг "Масдар" компанияси билан ҳамкорликда мамлакатимиздаги илк қуёш фотозлектр станцияси ишга туширилди.

Ўтган йили қурилиши бошланган мазкур мажмуа доирасида 110 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 300 мингта қуёш панели ўрнатилди. Янги станциянинг қуввати 100 мегаваттга тенг.

Бугун БАА билан инвестициявий ҳамкорлик доирасида қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ 20 га яқин лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда. Улардан қиймати 5 миллиард долларга тенг 7 таси амалга оширишнинг илгор босқичига ўтган.

2017 йилга қадар Ўзбекистонда БАА иштирокида йирик лойиҳалар амалга оширилмаган ва сезиларли миқдорда инвестициялар жалб этилмаган эди.

Ислום-араб дунёсида Ўзбекистонга нисбатан мустаҳкамланаётган ишонч руҳи, мамлакатимиздаги ислохотларни қўллаб-қувватлашга бўлган интилиш бошқа соҳалардаги алоқалар мустаҳкамланишига ҳам хизмат қилмоқда.

2020-2021 йилларда Қоҳира — Тошкент — Қоҳира, Ар-Риёд — Тошкент — Ар-Риёд ва Ал-Кувайт — Тошкент — Ал-Кувайт йўналишларида мунтазам авиақатновлар йўлга қўйилди. Бугунги кунда Ўзбекистон — БАА ўртасидаги мунтазам авиақатновлар сонини ҳафтасига 16 тага етказилди. Жорий йил октябрь ойидан "Air Arabia Abu Dhabi" авиакомпанияси томонидан Абу-Даби — Тошкент — Абу-Даби йўналишида ҳафтасига икки марта парвозлар йўлга қўйилиши кутилмоқда.

2018 йил Ўмон султони Қобус бин Саид Ол Саид томонидан ажратилган 20 миллион доллардан ортиқ бегараз молиявий кўмак ёрдамида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Тошкент шаҳрида бунёд этилган янги биноси фойдаланишга топширилди. Унинг расмий очилиш маросимида Ўмон Султонлиги мерос ва маданият вазири Ҳайсам бин Тарик бин Таймур Ол Саид (ҳозирги Ўмон султони) бошчилигидаги делегация иштирок этди.

Ўтган йил март ойда Самарқанд шаҳрида "Имом Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун" мавзусидаги халқаро конференцияда дунёнинг 15 мамлакатидан 55 нафар таниқли уламо, муфтий, мотуридийшунос экспертлар, 100 нафар маҳаллий олим ва тадқиқотчи иштирок этди. Улар қаторида Миср бош имоми, Ал-Азҳар мажмуаси шайхи Аҳмад Таййиб бошчилигидаги йигирмага яқин нуфузли диний арбобнинг қатнашгани тадбирнинг халқаро нуфузини янада оширди.

БАА билан ҳамкорликдаги "Бир миллион ўзбек дастурчиси" лойиҳаси бугунги кунда 600 мингга яқин ёшни қамраб олди. Лойиҳа ўқув дастури Ўзбекистонда 2 мингдан ортиқ мактабда информатика фани доирасида ўқитила бошланди.

Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Энг муҳими, мазкур лойиҳалар Ўзбекистон ва ислом олами давлатлари ўртасидаги азалий муносабатлар янги мазмун касб этиб, янада ривож топаётганидан далолат бермоқда.

Шу маънода Миср парламенти Вакиллар палатасининг Ижтимоий бирдамлик қўмитаси расиси, Ўзбекистоннинг Мисрдаги туризм бўйича элчиси Абдулҳодий ал-Қасабийнинг қуйидаги фикрларига эътиборингизни қаратишни ўринли, деб билдик:

"Мўътабар диёрингизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, таълим-тарбия ва қонунчилик соҳаларида мисли қўрилмаган тул ислохотлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакат тараққиёти ва ўзбек халқи фаровонлиги учун хизмат қилмоқда.

Таъкидлашни истардимки, ўзбек халқига бетакрор неъматлар инъом этилган. Қўллаб олим ва улаомларни ислом оламига тақдим этган Мовароуннаҳр замини бутун инсоният тамаддуни ривожига салмоқли хисса қўшган. Ислום дунёсининг энг буюк даҳолари бўлмиш Ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Долиимий Самарқандий, Мухаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замаҳшарий, Аҳмад Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби қўллаб олимлар, файласуфлар ва аллоларнинг номлари халқаро ҳамжамият томонидан чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади.

Азим Тошкент тарихан бағрикенглиги, Бухоро илм-маърифат ўчоғи, қўҳна Самарқанд ўзининг улаомлари, моҳир ҳунарманд усталари билан дунёда шухрат қозongan. Ўзбекистон ана шундай бетакрор ўлкадир".

"Таймс Кувайт" газетаси ижрочи директори ва муҳаррири Ривен Д'Суза ҳам мамлакатимиздаги ислохотлар натижаларини катта қизиқиш билан кузатади.

“
ИСЛОМ-АРАБ
ДУНЁСИДА
ЎЗБЕКИСТОНГА
НИСБАТАН
МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАН
ИШОНЧ РУҲИ,
МАМЛАКАТИМИЗДАГИ
ИСЛОХОТЛАРИ
ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШГА
БўЛГАН ИНТИЛИШ
БОШҚА СОҲАЛАРДАГИ
АЛОҚАЛАР
МУСТАҲКАМЛАНИШИГА
ҲАМ ХИЗМАТ
ҚИЛМОҚДА.
”

“Ўзбекистон қисқа вақт ичида барча соҳаларда ажойиб натижалар ва ютуқларга эришди. Мамлакатни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат, сўз ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш каби муваффақиятли демократик ўзгаришлар ҳам юксак эътирофга лойиқ”, деб ҳисоблайди араб журналисти.

Ислום ҳамкорлик ташкилотининг Ислום тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қилиш маркази собиқ бош директори Халит Эреннинг қайд этишича, Ўзбекистон илм-маърифат ривожланган мамлакат, ислом маданияти бешигидир.

“Ислום тамаддунининг бой манбаларини ўзида мужассам этган бу ажойиб мамлакатда барча соҳалар қатори диний-маърифий йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар бизда катта таассурот уйғотмоқда. Ўзбекистон томонидан ислом таълимотини чуқур ўрганиш, илм ва тамаддун ғояларини тарғиб этиш бўйича нуфузли халқаро ташкилотларда ингари сурилаётган ташаббусларни жуда катта қизиқиш ва мамнуният билан кузатиб бораётимиз. Биз бу зегу ташаббусларни тўла қўллаб-қувватлаймиз”, деб таъкидлади у.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар рўй бермоқда, халқимизнинг маданий-маънавий мероси, қадимий анъаналари асраб-авайланмоқда, улуг аллоларнинг табаррук номлари ҳамда бой ва бетакрор мероси абадийлаштирилмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари, жумладан, мусулмон давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлмоқда.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

МАҲАЛЛАЛАРНИНГ “ЎСИШ НУҚТАЛАРИ”



Бошланиши 1-бетда

Пискент тумани “Ғайрат” маҳалласи аҳолиси қадимдан томорқасида қулупнай етиштириб келган ва бу борада катта тажрибага эга. Худуднинг “ўсиш нуқталари” белгилаб олинган, аҳоли бандлигини ошириш мақсадида 20 гектар ер узумчилик, 10 гектар ер лимончилик ҳамда 10 гектар ер майдонни қулупнай етиштириш учун ажратилди.

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан баҳор фасли охирида 10 гектар майдонда қулупнай етиштиришга мўлжалланган иссиқхоналар қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жараён бошлаб юборилди. Август ойи ўрталарида қуриб битказилган ҳар бири 10 сотихлик иссиқхоналарга қўчатлар экилиб, замонавий томчилатиб сўғориш тизими ўрнатилди. Лойиҳага кўра, ушбу иссиқхоналарда етиштириш учун Жанубий Кореянинг серҳосил ва чидамли “Солл хян” қулупнай нави танланди. У деҳқонга бир йилда уч мартагача ҳосил олиш имконини беради. Айни пайтда тайёр иссиқхоналар тумандаги асосан “Темир дафтар”, “Аёллар дафтери” ва “Ёшлар дафтери”да рўйхатга олинган фуқароларга 10 йил фойдаланиш муддати билан 3 йиллик 14 фоизли имтиёзли кредит асосида берилмоқда.

— Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган Тошкент вилоятини ривожлантириш дастурига кўра, маҳаллаларнинг иқтисодлашув йўналишларини аниқлаш ва янги тадбиркорликни, шу жумладан, “драйвер” лойиҳаларни амалга оширишда ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ўсишини таъминлаш асосий вазифалар сифатида белгиланган,



— дейди туман ҳокими маслаҳатчиси Шерзод Камолов. — 102 минг аҳоли истиқомат қиладиган Пискент тумани аграр соҳага ихтисослашган. Одамлар асосан боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик билан шуғулланади. Масалан, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида Навоий маҳалласида булғор қалампери, “Бекобод”, “Мингтепа”, “Янгиобод” маҳаллаларида узумчилик, “Култепа” маҳалласида картошка етиштириш йўлга қўйилган. Сўнгги йилларда бошқа йўналишлар ҳам ривожланмоқда. Жумладан, “Бекобод” МФЙда 40 дан ортиқ хонадонда қўшнлар биргаликда тикувчилик билан шуғулланыпти. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури асосида хотин-қизлар хонадон ва маҳалла идораси атрофида кичик цехлар ташкил этган. Туманда 159 нафар одам 2 миллиард 856 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, 300 дан ортиқ киши иш билан таъминланди. 200 дан зиёд тикув машинаси

ҳомийлик ҳисобидан тарқатилди. Бу орқали юзлаб фуқаролар ишли бўлди. “Ғайрат” маҳалласида амалга оширилаётган қулупнай етиштиришга мўлжалланган иссиқхоналар қуриш лойиҳаси ҳам аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қиладди.

Лойиҳага кўра, илк босқичда 100 та иссиқхона қуриш мўлжалланган бўлиб, бугунга қадар 60 таси битказилди. Ҳозирда 40 нафар ишсиз фуқаро ушбу иссиқхоналарни ижара шартномаси асосида олиб, ерга дастлабки ишловни бермоқда. Иссиқхоналардан бирига талабгор бўлган Баҳодир Охунжоновнинг қулупнай қўчатлари эса илк гулларини ҳам чиқарди. “Майлобод” маҳалласида яшовчи бу йигит иссиқхонада ишлаш учун ҳар куни 1,5 километр масофа йўл босиб келишдан оғринмайди. Бойси, аввалига янгилик бўлган бу машғулот ҳозир унинг ўзига ҳам завқ бағишламоқда.

— Ёшим 33 да, оилалиман, — дейди Баҳодир. — Ишсиз бўлганим сабабли, рўзгор тебратишда қийналиб қолдим. Ёрдан сўраб, туман ҳокимлигига мурожаат қилдим. Аввалига, моддий ёрдам сўрадим. Бироқ мутасаддилар қулупнай етиштиришнинг фойдаси, яратилган имконият ҳақида сўзлаб беришганидан кейин бу ишга қизиқиб қолдим. Ўзлари экиб, парваришлашни ўргатишди. Насиб этса, илк ҳосилнинг ўзидан кредит тўловини ёпиш тийидаман.

Мутасаддилар жойларда аҳоли билан учрашиб, қулупнай етиштиришнинг афзалликлари, олинадиган даромад ҳақида маълумотлар берапти. Жараёнга жалб этилган мутахассислар агротадбирларни олиб боришда ўз тавсияларини аямаяпти. Ахир, иссиқхонага қилган янги қулупнай навини парваришлашни ҳамма ҳам бирдангина удадай олмайдиди.



Агар уни тўғри парваришлаб, йўл-йўриғига амал қилган деҳқон одатдагидек фақат қулупнай масъумида эмас, балки йилда уч марта ҳосил олиб, яхшигина даромадга эга бўлиши мумкин. Қишнинг қаҳратон совуғида ҳам бозорларни беэзаб турадиган бу қулупнайнинг харидорлари доим топилади.

Яна бир қулупайлиги, мазкур нав совуқсевар бўлгани боис, уни етиштиришда иситиш тизимидан фойдаланиш талаб этилмайди. Баҳордан то қўз фаслининг ўрталаригача иссиқхона усти очиқ туради. Совуқ мавсум тушганда эса уч қаватли плёнка билан ёпилади. Мутахассисларнинг айтишича, мана шу иссиқлиқнинг ўзи қулупнай учун етарли бўлади. Гап шундаки, ушбу нав нихоятда чидамли бўлиб, кетма-кет 20 кун минус 5 даражада турса ҳам, музлаб қолмайди.

Ўртимиз шароитида секин-аста оммалашаётган мазкур қулупнай нави бир ҳосилга кирганида 2 ойгача мева беради. Лойиҳа ташаббускорлар иссиқхонадан бир йилда қамда 50-100 миллион сўм даромад олиш мумкинлигини таъкидламоқда. Демак, бу борада меҳнат қилган киши ўзи ва оиласини моддий таъминлаш баробарида, юртдошларимиз дастурхонига йил давомида қулупнай мевалари етиб боришга хисса қўшади.

Ушбу даромадли лойиҳани аҳолининг талаб ва тақлифларидан келиб чиққан ҳолда, вилоятнинг бошқа туманларида ҳам жорий этиш кўзда тутилган.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати Фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги полковник, тарихчи Худойберди Соҳибов билан пойтахтимизнинг қатагон йилларидаги қатлгоҳи бўлган ва маҳаллий халқ тилида Алвасти кўприк номи билан аталган Шахидлар хотираси хиббонидамиз.

2001 йилдан буён мамлакатимизда 31 август — Катагон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонлаб келинмоқда. Ватан фидойиларининг ҳаёти ва меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Устоз билан машъум воқеликларга тилсиз гувоҳ бўлган бу тарихий жойни кезар эканмиз, ҳаёлан мозийга қайтамиз. Беҳосдан ўша машъум воқеаларнинг шоҳиди бўлган Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек сўзлари ёдга келади: “Биз ҳар куни эрталаб ҳали у, ҳали бу танишимизнинг қамалганини эшитамиз. Кунлар ниҳоятда бетинч... На кундуз ҳаловат бор, на тунда — уйқуда роҳат. Ҳар дақиқа ташвиш, ҳар дақиқа юрак титроқда...”.

ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПДИ! У КУН — БУ КУН ЭКАН!

— Мустабид замонда қатагонга учраган беғуноҳ одамлар айна шу ерда қатл этилган. Кексаларнинг бу мудҳиш воқеалар ҳақидаги ҳикояларига кейинги авлод ишонмаслиги аниқ. Хавфсизлик идорасида эса далиллар сероё! Мустақилликка эришилгач, бу тарих ошкор қилина бошлады.

— Гапнингизни бўлганим учун узн. Узоқ йиллар хавфсизлик идорасининг архивда “иғна билан қудук қазиганман”, десам муболага бўлмайди. Минглаб “дело”ларни синчиқлаб ўқи-ганман, хулосалар чиқарганман. Аммо уларни ошкор этишга рухсат бўлмаган. Афсуски, ўша даврдаги ваҳшийликларни яшириб юришга мажбур эдик.

Хавфсизлик идораси киритган таклифни мамлакатимизнинг биринчи Президенти Исрол Каримов қўллаб-қувватлагач, хизмат архиви олимлар ва журналистлар учун очилади...

— Очилди-ю, қисқа муддатда қайта ёпилади. Бунинг сабаби нима эди?

— Архив иши аслида жуда жиддий муомалани талаб этадиган иш. Икки-уч йил давомида архив ҳужжатлари билан ишлашга қизқувчилар сони талайгина бўлди. Ўша пайтда матбуотимиз саҳифаларида архив материаллари асосида тайёрланган ҳужжатли ҳикоялар босила бошлады. Профессор Наим Каримов, журналистлар Холита Аҳорова ва Набижон Боқий бу борада сермахсул ижод қилишди. Газета мақолаларидан ташқари кейинчалик қатагон қурбонлари тўғрисида китоблар, ҳужжатли романлар чоп этилди.

Холита Аҳорова, адашмасам, икки йиллар давомида қизи билан биргаликда архивдан узилполмай қолди. Қатагонга учраган, гўдаклик чоғида йўқотган отаси Саид Аҳорий тўғрисида ҳақиқатни излади ва уни топди. Истиқлол муносабати билан “қайта тирилган” отаси ҳақида 1998 йилда “Изларини излайман” китобини нашр эттирди...

Бора-бора турли-туман “ижодкорлар” ҳам архивга кириб келадиган бўлди, энг ёмони, “дело”лардан ҳужжатлар, тарихий суратлар ғойиб бўла бошлады. Бундай хунук уснурлардан кейин архивни вақтинча ёпишга мажбур бўлинди.

— Замонида еттидан етмиш ёшгача аҳоли “босмачи”ларни душманамиз, деб билишар эди. Орадан 70 йиллар ўтгач, улар мамлакатимиз озодлиги учун курашганлар, деб эътироф этила бошланди.

— Худди шундай бўлди. Мустақиллик учун курашганлар ўз орзуларига етолмагандилар, уларнинг авлод-аждоқлари бу хурриятнинг гувоҳи бўлмоқдалар. Озодлик шарофати эвазига “босмачилар” том маънодаги миллий қаҳрамон бўлгани аён бўла бошлады, бунинг учун Яратганга беҳисоб шукрлар айтишимиз керак.

Мендан “Архивларни аввалроқ очиш мумкин эмасмиди”, деб сўрасангиз, жавобим бундай бўлади: “Иттифоқ ва унинг коммунистик режими бунга йўл қўймасди. Ким ҳам ўз айбини тан олгиси келади. Шунинг учун “ёпик қозони очиш”дан манфаатдор эмасди улар”.

Мамлакатимизда мустамлакачилик қурбонлари даври хотирасини абадийлаштириш комиссияси 1999 йилдан ўз фаолиятини юрита бошлады.

— Бугун биз эски тизимга ҳолис баҳо бера оламизми?

— Бугун мустақил Ўзбекистон ҳеч кимнинг олдида жавобгар эмас, “юқорилар”да бизни ўз измига қўритадиганлар йўқ. Мисол учун, Иброҳимбек лақай сифатида танилган Иброҳим Чақабоев тақдирини олайлик. Айрим мақолаларда “20-йилларнинг бошида қизил армияга хайрихоҳ бўлади, кейинроқ алданганини билиб қолади”, деган ҳақиқатдан узоқ хабарлар тарқалади.

Унинг 1926 йилда советларнинг таъйинқидан Афғонистонга ўтиб кетгани тўғри. Орадан беш йил ўтиб, тахминан бир ярим минг одами билан мамлакатга қайтди. Терговчилар Москва билан келишиб, унга ўлим ҳукми беришдан воз кечадилар. Бу ҳақда унинг ўзи ҳам хабардор этилади. Аммо Иброҳимбек 1931 йилда отувга ҳукм қилинади.

— Совет чекистларининг фикри нима сабабдан бирдан ўзгариб қолган?

— Афсуски, бу саволга бугун аниқ жавоб топпаймиз. Бу ҳақдаги ҳақиқатни терговчилар ўзлари билан олиб кетганлар. Бу хусусда фақат шахсий фаразларим билан ўртоқлаша оламан, ҳолос.

Иброҳимбек халқимиз ичидан етишиб чиққан том маънодаги қаҳрамон эди. Эндигина 30 ёшга тўлган йилги сиёсий саҳнага чиқди. Унинг минглаб довурак жангчиси бор эди, у ҳақиқий қучга эга эди. Бундай шахслар тақдирига енгил-елпи қараб бўлмасди. Өхтимол, Москвада ўтирган “катта”лар ҳам у билан ҳисоблашишга тайёр эдилар. Унинг кейинги тақдирини мамлакатдаги вазиятнинг издан чиқиб кетишига сабаб

бўлмаслиги керак эди. Бекарорликнинг олдини олиш лозим бўлган. Айрим жойларда “қизил-лар” сони “босмачилар”дан оз эди. Шунга қўра, Иброҳимбекнинг қўли баланд келган пайтлар ҳам тарихдан маълум.

У том маънода ватанпарвар, орқасидан минглаб одамларни эргаштира оладиган етакчи бўлган. “Босмачилар” роса қўп, уларнинг номлари Олий суди коллегиясининг шу йил август ойида эълон қилинган қарориди ҳам келтирилади. Улар орасида таниқиллари ҳам бор. Масалан, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Нурмуҳаммадбек ва ҳоказолар. Ҳар бирининг ўзига яраша тарихи бор, муваффақиятга эришгани ҳам бор, инқирозга юз тутгани ҳам. Аммо улар ичида ақл-фаросатда устун, тадбирқори, албатта, Иброҳимбек эди. Унинг отаси Чақабой ўзбекларнинг лақай уруғига мансуб бўлган.

Юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун бўлган курашларда матонат кўрсатиб, халқимизни хурлик ва эркинликка ундаган, мустабид тузум йилларида қатагонга учраган минг-минглаб фидойи ватандошларимиздан бири Иброҳимбек 1889 йили Бухоро амирлигига кирувчи Душанбе ақинидаги Кўктош қишлоғида туғилган. Қисқа муддат мадрасада таълим олади, ҳаминқадар саводга эга бўлади.

1920 йилда Бухоро амирлиги тугатилиб, совет ҳукумати ўрнатилгач, Саид Олимхон Афғонистонга ўтиб кетишга мажбур бўлади. 1921 йилда Шарқий Бухорода қизил армия ва совет ҳукуматига қарши халқ кўзғолонлари бошланиб кетади.



Англия, Америка, Туркия ва Афғонистон сингари давлатлар маҳаллий гуруҳларини бирлаштириб, ўз сиёсий манфаатлари йўлида уларга бошчилик қила бошлайдилар. 1921 йилнинг иккинчи ярми ва 1922 йилдан Шарқий Тожикистондан совет қўшинлари сиқиб чиқарилади. Иброҳимбек шу ерда ҳукмронлик қиладди. “Босмачилар” деганимиз ҳақиқий куч, армия эди. Шу ўринда тарихий эътирофдан иқтибос келтириб ўтаман.

Туркфронт қўмондони М.Фрунзе тан олиб бундай ёзган: “Босмачилар оддий қароқчилар эмас. Шундай бўлганда уларни бир зумда йўқ қилиш мумкин бўлар эди”. Унинг дўсти В.Куйбишев эса: “Босмачилик деган ҳаракатни шунчалик бандитлик дея қабул қилмоқ хато бўлади. Чунки у сиёсий бир инқилобдир”, дейди.

Ўша замон катта ҳарбий ва сиёсий арбобларининг гапларини тасдиқлаш учун ҳужжатли яна бир мисол келтиришим мумкин. Таниқли ва машҳур ойдинлардан Мунавварқори Абдурашидхон ўғлининг (1878-1931 йиллар) Москвада совет ҳукумати раҳбарларидан С.Оржоникидзе ва Ш.Элиава билан учрашуви “дело”лардан ўрин олган. Воқеа 1923 йилнинг май ёки июнь ойида бўлиб ўтади.

Москвалик меҳмонлар билан суҳбатда, шунингдек, Обиджон Маҳмудов (озик-овқат вазири), Саидносир Миржалилов (Туркистон ҳукумати аъзоси) ҳам иштирок этадилар. О.Маҳмудов ҳазил-мutoйибага мойиллиги билан ажралиб турар эди. Суҳбат давомида ора-сира қулги-қаққаха бўлиб туради. Бундай ҳолатда расмийчилик бироз чекингандек ҳолат юзага келади.

Бу орада Оржоникидзе тўсатдан расмий оҳангда: “Тошкентда қандайдир миллий ташкилот бор экан, шу тўғрими?” деб қўқисдан савол ташлайди ўртага.

“ГПУ (Бош сиёсий бошқарма)нинг таъйиқи остида бундай ташкилотни тузишнинг ҳеч қачон имкони бўлмаган”, деб туриб, “Фақатгина миллий гуруҳлар бор”, деб қўшиб қўяди.

Катта меҳмоннинг “Уларнинг сони қанча?” саволига О.Маҳмудов “Барча туб миллий аҳоли ва ҳукумат аъзолари бу ташкилотнинг аъзоси!” деб жавоб беради.

Меҳмонлар билан кейинги учрашувни ташкил этишда бизниқилар ташаббус кўрсатишди. Москвалиқлар миллий гуруҳ аъзолари билан танишиш шарт билан учрашувга розилик берадилар. Йиғилиш Тошкент вилоятининг Қўбрай мавзесида, бир армани бойнинг дала ҳовлисида бўлиб ўтади.

С.Оржоникидзеннинг “Қачон Фарғонада босмачилик ҳаракати тугатилади?” деган саволига О.Маҳмудов “Мени вазир этиб тайинлаган кун”, деган жавобни беради.

кўрсатади. Турли манбаларга қўра, қўшни давлатга қўчиб ўтганлар сони 1,5-2 миллион атрофида бўлган. Улар орасида бири амир, бошқаси қўрбошилларнинг раҳбари эди. Иккаласига ҳам Қобулдан 40 километр наридаги Қалъаи Фоту саройидан афғон ҳукмдори томонидан жой берилгани ва маош белгиланиши инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Бундан ташқари, Амир Олимхон Иброҳимбекка 1 минг 500 रुपий микдориди маош ҳам бериб туради. Омонуллохоннинг тантилиги эса 500 रुपий микдориди эди.

— Уларнинг турмуш шароитларидан нолишмаганига ишониш мумкин. Нега унда Иброҳимбек юртга қайтишни истаб қолади?

— Мамлакатга қайтиш ҳаёли Иброҳимбекни Афғонистонга қўчиб ўтган кунидан бери тарк этмаган. Қулай фурсат, вазият пойлаб юрган. Англия ҳукумати Саид Олимхон тарафдори бўлган, Бухорони қайта қўлга киритиш учун қўмағини аямаган.

1919 йилда Афғонистон бошқарувига келган Омонуллохоннинг илк ишларидан бири — советлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатади. Зимдан эса Шарқий Бухоро ва Туркистонни босиб олиб, советларни доғда қолдириб, Афғонистон буюк империясини қуриш режасини ҳам ўйлаб қўяди. Бу ғоя Англия — Афғонистон ҳукуматлари томонидан ишлаб чиқилгани тўғрисида миш-мишлар тарқалган.

Саид Олимхон амирлик лавозимини қайтариб олиш шарт билан Бухоронинг янги тузилажак давлатга қўшилишига розилик беради.

Шундай қилиб, “дело”ларда келтирилишича, 1929 йилда Амир Олимхон Иброҳимбекни ёнига чорлаб, Англия ҳукумати топшириги билан Шимолий Афғонистонга бориши кераклиги ва бу режа янги подшоҳ Ҳабибуллохон (лақаби Бачаи Сақо — миробнинг ўғли) билан келишилганини айтиди. Тожик Сақо эса бир неча йиллар аввал Анвар пошо сафиди Шарқий Бухорода қизилларга қарши курашиб келган жангарилардан эди.

Бачаи Сақо ҳукмдор бўлгач, Иброҳимбекка илтифот кўрсатади ва хатто мудофаа вазири Саид Хусайнга маслаҳатчи бўлишни таклиф этади. Мозори Шарифда у Ўзбекистонга қайтиш чорасини қўриши, одамларни тўллаши керак эди. Бунинг учун янги афғон ҳукумати барча зарур ёрдами бermoққа тайёр бўлади. Режага қўра, Иброҳимбек кетидан Саид Олимхон Бухорога қайтиб бориши керак эди.

Ўрни келгани учун Афғонистондаги сиёсий вазият тўғрисида қисқа тўхталиб ўтишга тўғри келади. Подшоҳ Омонуллохон 1928 йилда Европада саёхати натижасида Афғонистон маданий ҳаётига англичанлар олиб қиради. Масалан, аёлларга европача қўйлақлар кийишга рухсат берилади. Малика Сурайё Тарзийнинг паранжисиз ва ғарбона қиёфада тушган сурати афғонларда норозилик уйғотади ва вазият таранглашиб анча жиддий тарзда авж олади. Салтанатни уқси Иноятиллаҳонга топшириб, қочшга мажбур бўлади.

Алғов-далғовли кунлардан, мамлакатда содир бўлаётган бекарор вазиятдан фойдаланиб қолган Бачаи Сақо салтанатни қўлга киритади. Монархия тизимининг ўз қонун-қоидалари борки, унга ҳар ким ўз хоҳиш-иродиси билан ўзгартиришлар киритолмайди. Бир подшоҳ ўрнига ўша сулоланинг вакили келиши шарт! Янги раҳбар эса саройга мутлақо бегона инсон! Етти ойдан кейин у ағдариб ташланади.

Бу орада Амир Олимхон ва Иброҳимбек билан катта режалар белгилаб олишга улгурган эди. Ўзаро келишувга биноан Афғонистон шимолига етиб борган Иброҳимбек афғонлардан нажот тополмайди, чунки мамлакатдаги сиёсий вазият батамом ўзгариб кетган эди. Қайинотаси Абдуқамол Парвоначининг тасдиқлашича, ана шундан кейин Иброҳимбек Ўзбекистонга қайтишга астойдил киришади.

— Мамлакатга қайтиб ўтиши ҳар ҳолда Қобул ҳукуматидан норози бўлгани вазидан эмасдир, бошқа сабаблар ҳам бўлмоғи лозим.

— Асл мақсад афғон ва ғарб авантюрасидан қочиш ҳамда унга ишонган қўп минг сонли жангчиларининг жонини омон сақлаб қолиш бўлган, десак, менимча, тўғри хулоса чиқарган бўламиз. Тахминан мингга яқин аскар билан чегарадан ўтган Иброҳимбекка “Англиянинг бевосита топшириги ва унинг маблағи ҳисобига советларга қарши кўзғолонни давом эттириш” айби қўйилади. Айбнома хулосасида, шунингдек, “1929 йилда Англия ишлаб чиққан режага асосан, совет ҳукуматини ағдариб ташлаш мақсадида тайёргарлик ишларини бошлаб юборади. Жиход уруши эълон қилиниб, совхоз ва колхозларни талаш, беғуноҳ одамларни ўлдириш ва террористик хуружлар уюштириш, қўпоровчилик ишларини амалга ошириш мўлжалланган” каби айбномаларни ўқиш мумкин.

— Мамлакатга ўтиш жараёни қандай содир бўлади?

— Афғонларнинг найрангларидан қарчаган Иброҳимбек аввалига атрофидаги оқсоқоллар билан маслаҳатлашади, қолган умрини тинч-осойишта ҳаёт кечирish учун мамлакатга қайтиш фикрини айтиди ва улардан оқ фотиҳа олади. Шу мақсадда совет ҳукуматиға ёзма мурожаат қиладди. Чегара пости бошлиғи хатни олиб қолганини тасдиқловчи ҳужжат “дело”да сақланиб қолган. Жавоб эса ҳадеганда келавермайди.

Чегара қўшинлари маълумотиға қўра, ўша йили 29 минг фуқаро Афғонистон сарҳадини кесиб ўтади, улардан 400 нафари (тергов ҳужжатларининг баъзиларида 800-900) Иброҳимбекнинг жангчилари эди. Чегарадан ўтиш чоғида Иброҳимбек совет ҳукуматиға таслим бўлиш учун келаетганини айтиди. Аммо унинг гапига ишонмайдилар.

Рус командири “Абдулла” — нўғой Валишев (Тожикистондаги ЧК-Фавқулодда комиссия ходими) у билан суҳбатлашади. Иброҳимбекнинг самимиятини тасдиқлаш учун яна битта мурожаат ёзиб беришни сўрайди. Мансаби номатлум Эшон Исакхон ва Али Мардон номиға “ўз истаги билан юртга таслим бўлиш учун келгани тўғрисида” мактубни ёзиб беради.

Тергов жараёнида Иброҳимбек билан бирга қайтган сафдошлари ҳам “советларға қарши уруш учун эмас, юртда тинч, осуда ҳаёт кечирish учун” қайтганлиқларини таъкидлайдилар. Агар Иброҳимбекнинг жонини советлар омон сақлаб қолганида Афғонистондан яна қўллаб унинг сафдошлари мамлакатга қайтган бўлар эди.

— Давлат хавфсизлик идорасининг тарихчи-билимдонни сифатида ўша машъум 30-40-йиллар қатагон ишида қатнашган ҳамкасбларингиз ишини қандай баҳолайсиз?

— Тарих — бу аччиқ ҳақиқат, эртами-кечми, ҳақиқатга албатта эришилади. У кун — бу кун экан! Қолаверса, ота-боболаримиздан қолган нақл бор: мозийга қайтиб иш қўриш хайрлидир! Юқорида Афғонистонда ўша пайтда юзага келган вазиятга қараб Саид Олимхон ва Иброҳимбек ҳаракатларига баҳо беришга уриндим. Бу саволингизга ҳам сиёсий аҳволни эътиборга олиб, жавоб беришни маъқул кўрар эдим.

Сталин замонидида сургунга юбориш ёки отува ҳукм чиқариш қарнайчидан бир пуф, дегандек гап эди. Хавфсизлик идоралари доим давлат ва чегаралар дахлсизлиги ҳамда барқарорлигини сақлаш сингари бир қатор хавфсизлик чораларини амалга оширадидлар.

“Босмачилик ҳаракати” ўша пайтда одамларнинг қон-қонига ёмонотлик қилиб шундай сингдириб ташланган эдики, уларни оқлаш сиёсати тўғрисида гапириш ўлим билан баробар эди.

Совет чекистларининг ваҳшиёна амаллари натижасида жувонмарг бўлиб кетган беғуноҳ кишиларимиз номларини оқлаш жараёни 25 йиллардан бери давом этиб келмоқда. Ҳали-гача улардан “босмачи” деган ланъати тамғани олиб ташлаш ишлари тўхтамаган.

Беайб Парвардигор, деймиз. Менимча, энг муҳими, йўл қўйган хатоларни тузатиш!

Аброр ҒУЛОМОВ, халқаро шарҳловчи



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

XALQ YURAGI

ABADIYATGA AYLANGAN ADABIYOT

КИНОФЕСТИВАЛЬ

“ИПАК ЙЎЛИ ДУРДОНАСИ”ДА “ХАЛҚ ЮРАГИ”НИНГ ТАФТИ

Мухтасар ТОЖИМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиш 1-бетда

Кинематография агентлиги буюртмасига биноан “Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” ДУК ҳамда юртимиздаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда суратга олинган хужжатли фильмларнинг ўзига хос жиҳатлари нимада? Бу жиҳатлар қандай мезонлар асосида белгиланди?

“Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” ДУК бўлим бошлиғи Зухра Гулатова саволимизга шундай жавоб берди:

— 2020 йил 20 май кuni Тошкент шаҳрида барпо этилган Адиблар хибёнида ўтказилган тадбирда бу ерда ҳайкаллари ўрнатилган 24 нафар шоир-ёзувчилар ҳақида хужжатли фильмлар яратиш тақдими илгари сурилган эди. Пойтахтимиздаги олий таълим муассасалари билан Агентлик ўртасида меморандум имзоланиб, шартномалар тузилди, йўлга қўйилган ҳамкорлик натижасида “Адиблар хибёни”да ёдгорлик ҳайкаллари ўрнатилган шоир-ёзувчилар ҳақида “Халқ юраги” туркумидаги хужжатли фильмлар яратилиб, уларнинг тақдимот маросимлари ўтказилиб келинмоқда. “Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивали доирасида мазкур фильмлар жорий йилнинг 6 сентябридан 1 октябрга қадар намойиш этилиши режалаштирилди.

Илгари бундай катта ва салмоқли



туркум тайёрланмаган. Шу боис, “Халқ юраги” деб номланган хужжатли фильмлар туркуми ёшларда ҳам ўзгача қизиқиш уйғотди. Унда жами 25 та хужжатли фильм жамланди. Фильмлар “Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” ДУК, Кинематография агентлиги тизимидаги “Қорақалпоқфильм” давлат унитар корхонаси, “Sintez film” МЧЖ, “Spectre studio” МЧЖ, “Cinerama Entertainment” МЧЖ, “NEW SIGHT MEDIA” МЧЖ, “Кўзгу фильм” МЧЖ, “Media Illusion” ХК каби нодавлат киностудиялари томонидан суратга олинди. Ижодий гуруҳнинг таъкидлашича, киноасарларда бадий элементлар ҳам қўлланилиши уларнинг томошабоплигини оширишга хизмат қилди.

Сценарий фильмнинг асосидир. Хужжатли фильм тайёрлашдан мақсад авваллари эълон қилинмаган маълумотларни излаб топиш ва уларни фильм мазмунига сингдиришдан иборат. Бу борада сценарий муаллифларига қандай талаблар қўйилди? Устоз адиб Абдулла Қаҳҳор ҳақида ҳикоя қилувчи “Ҳақиқат мендан устун” хужжатли фильми сценарий муаллифларидан бири таниқли ёзувчи Шойим Бутаев ушбу саволимизга шундай жавоб берди:



— Сценарий муаллифи-га қўйиладиган биринчи талаб мавзунини қай даражада билиши билан боғлиқ. Шу маънода, мазкур фильмларни яратишда адабиётни қадрловчи, ижодкор шахсига ҳурмат билан қаровчи ижодкорлар меҳнат қилгани ўз самарасини кўрсатди. Қолаверса, мазкур фильмлар хужжатли эканлигини эътибордан қочирмаслик ҳам кўзда тутилди. Жанр софлигини сақлаб қолиш муҳим ҳисобланади. Абдулла Қаҳҳор тили ўткир адабиётшунос бўлиши билан бир қаторда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлайдиган бағрикенг инсон бўлган. Сценарий ёзишда адибнинг танишлари, шогирдлари билан кўпроқ суҳбатлашишга, ёзувчининг бизга маълум бўлмаган қирраларини очишга ҳаракат қилдик...

Адиблар хибёнида устозлари билан гурунглашиб ўтирган бир гуруҳ талабалар ёнига яқинлашдик. Улар хужжатли фильмларни суратга олиш режиссёрдан жуда катта маҳорат талаб қилиши борасида мунозара юритишадиган экан.

— Ҳар бир фильм режиссёрнинг воқеаларга нисбатан қай йўсинда қарашига боғлиқ равишда яратилади, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси Маъмура Тожиева. — Ижодкор фильми орқали томошабинга етказмоқчи бўлган фикрни, албатта, умумий ҳақиқат талабидан келиб чиқиб, бадийлик ва тарихийликни йўқотмаган ҳолда ижтимоий фикр шаклида етказиб бериши жуда муҳим. Режиссёрларимиз бу жараёнда ўз маҳоратларини қай даражада кўрсата олган? Фильмларнинг барчасини ана шу савол билан томоша қилдик.

— Бу жараёнда Агентлик Бадий кенгаши кўрсатмалари муҳим аҳамият касб этганини айтиб ўтишимиз жоиз, — дейди Тошкент кимё-технология институти талабаси Даврон Солиев. — Бадий кенгашда ҳар бир фильмнинг бошланишидан охиригача катта мутахассислар кўриб чиқадди. Уларнинг орасида ёзувчилар, танқидчилар, киношунослар, муҳаррирлар, мушқашунослар, режиссёрлар, операторлар ҳам бор. Демакки, Бадий кенгаш диди мазкур фильмлар савиясига қафолат бўла олади.

Бош ролларни ижро этган актёрлар борасида ҳам тортишув ва муҳокамалар жуда қизгин кечди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ролини ижро этган ёш актёр Илҳом Бердиев тенгдошларига “Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Арслон изидан” фильми ҳақидаги таассуротларини сўзлаб берди:

— Мазкур фильмда иқтидорли ёш режиссёр Бобур Шер ўғли билан бирга ишладик. У ёш бўлишига қарамай, буюк аждодимиз



Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида хужжатли фильмининг суратга олишга қўл урди. Шу ўринда тарихшунос олимлар билан ҳам музокаралар олиб борилди. Мен кинокартинада қўллаб-қўлланган орау қиладиган бош образини ижро этдим. Воқеалар асосида бобомизнинг ҳар томонлама кучли шахс эканлиги очиб берилган. Ўзим Бобурнинг ижодига қизиқман, “Юлдузли тунлар” ва Авлодлар довози”ни жуда кўп марта мутула қилганман...

Маълумки, пойтахтимиздаги олий ўқув юртларига “Адиблар хибёни”даги ҳайкаллар бириктириб берилган. Шу муносабат билан уларда ҳайкали ўрнатилган ўша ижодкорнинг ҳаёт ва ижод йўли ўрганилаётган эди. Фильм яратиш эса катта маблаг ҳисобига амалга оширилади. Олий ўқув юртлари сарфларидан маблағнинг бир қисmini ўз зиммаларига олди. Шунингдек, фильмлар тақдиротида ҳам маънавий ва маърифий тадбирларни бажонидил ташкил этишди.

Ҳақиқатан ҳам, пойтахтимиз аҳли, адабиёт ва кино ихлосмандлари учун хужжатли фильмлар тақдироти байрамга айланиб кетди.

1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ШОГИРДЛАР АРДОҒИДАГИ ЗАКИЙ ОЛИМ

Санъатшунослик илми нозиклиги ва мураккаблиги билан ўзига хосдир. Мавжуд жисмларни эҳтиёткорлик билан, жуда юқори дид асосида тасвирлаш бу санъатнинг мезони. Санъатшуносликнинг тасвир ва сўз орқали ифодаланадиган илмий асосларини оҳанг, куй, наво воситасида тўлдириб илмий далиллаб берувчи илм мушқашуносликдир.



Мақом куйларининг коинот қадар юксалиши ҳақидаги фалсафий қарашларни замонавий мушқашуносликда илк бор далиллаб берган, рангларда таралаётган мушқий оҳанглари идрок ила кўра олган юксак истеъдод соҳиби санъатшунослик фанлари доктори, профессор Оқилхон Иброҳимовдир. У ўзбек мушқашунослари орасида энг ёш фан доктори ҳисобланади. Олим 1998 йилда “Мақомлар семантикаси” мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Ёш фан доктори ўша вақтда нафақат мушқашунослик, балки бутун санъатшунослик илмининг тақдирига бефарқ бўлмади. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти директори лавозимида (1998-2000) самарали фаолият юритди. Мазкур қисқа муддат давомида аспирантура ва докторантурани тугатган бир қанча иқтидорли ёш олимлар номзодлик ва докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу даврда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида бир қатор республика ва халқаро илмий конференциялар ўтказилди, тўплам ва илмий монографиялар нашр юзиди кўрди.

2006 йилда унинг “Фаргона — Тошкент мақомлари” илмий монографияси ЮНЕСКО томонидан нашр этилди. Олимнинг юксак илмий салоҳияти боис, унга Исҳоқ Ражабовнинг “Мақомлар” қўлёзмасини қайта тахрир қилиб нашр эттириш шарафи насиб этди.

Мустақилликка эришилган, умумтаълим мактаб-

Олимнинг 100 га яқин илмий ва ўқув-услубий ишлари илмий тадқиқот тизимига ҳамда олий ва ўрта махсус таълим тизимининг мушқашунослиги йўналишларига жорий этиб келинмоқда. Жумладан, монография, ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланмалар, санъат лицейи ва коллежларига мўлжалланган “Ўзбек халқ мушқашунослиги” (1-қисм), умумтаълим мактаблари учун “Мушқашуносликнинг ўқитиш услуби” методик қўлланмалари ҳамда 4 ва 7- синфлар учун “Мушқашунослик” дарсликларининг етти тилдаги (ўзбек, рус, қирғиз, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, тожик тилларида) қайта нашрлари шулар жумласидандир.

ларида мушқашуносликни тубдан ислоҳ қилиш қайта қўриб чиқиши лозим эди. 1992-1993 йилларда ёш олим Оқилхон Иброҳимов Дарвин Амануллоев билан ҳамкорликда аввал умумтаълим мактаблари 1-8 синфлар учун “Мушқашунослик” фани концепциясини, кейин эса ўқув дастурини миллий-мушқашунослик оҳанглари асосида шакллантирди. Ҳозирга қадар “Мушқашунослик” фани дарсликларини мазкур дастурга таяниб яратиб келинмоқда.

Оқилхон Иброҳимов хорижда ва республикада нашр этилган 100 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақола, дарслик, монография, ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар муаллифи саналади. Утган йиллар давомида унинг илмий раҳбарлигида 10 та магистрлик, 5 та номзодлик ва 4 та санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинди.

О.Иброҳимов раҳбарлигида халқаро ва республика миқёсидаги илмий лойиҳалар, амалий ва инновацион грантлар бажарилгани эътирофга лойиқ. Санъатшунос олим 2002 йили ЮНЕСКО ташкилотига тақдим этган ва ғолиб топишган “Шашмақом” лойиҳасининг бош муаллифи саналади. Ушбу лойиҳа доирасида миллий мушқашунослик ривожига оид бир неча илмий анжуман ўтказилди ҳамда бир қатор маърузалар (атоқли олим И.Ражабовнинг “Мақомлар”, Р.Юнусовнинг “Фахриддин Содиқов”, О.Иброҳимов “Фаргона — Тошкент мақомлари” ва б.) монография тарзида алоҳида-алоҳида чоп этилди.

Олимнинг 100 га яқин илмий ва ўқув-услубий ишлари илмий тадқиқот тизимига ҳамда олий ва ўрта махсус таълим тизимининг мушқашунослиги йўналишларига жорий этиб келинмоқда. Жумладан, монография, ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланмалар, санъат лицейи ва коллежларига мўлжалланган “Ўзбек халқ мушқашунослиги” (1-қисм), умумтаълим мактаблари учун “Мушқашуносликнинг ўқитиш услуби” методик қўлланмалари ҳамда 4 ва 7- синфлар учун “Мушқашунослик” дарсликларининг етти тилдаги (ўзбек, рус, қирғиз, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, тожик тилларида) қайта нашрлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, олимнинг 10 дан ортиқ илмий мақола-си нуфузли хорижий нашрларда эълон қилинган, 20 дан ортиқ халқаро илмий анжуманда маърузалар

идеяной, преемственности. Бухарского Шашмаком” (“Консерватория”. — Баку, 2019.), “Алишер Навоийнинг самов фалсафаси”, “Мақомнинг буюк билимдони”, “Амир Темур ва теурийлар даври мушқашунослиги”, “Абу Наср Форобий — Шарқ мушқашунослигининг асосчиси”, “Испом ва ўзбек халқининг мушқашунослик кадриятлари”, “Куй ва сўз хусусида”, “Етти мақом хусусида”, “Ун икки мақом”, “Бобур ва мақом санъати”, “Бобур ва Бобурийлар сарой мақом аъналарини”, “Ун икки мақом”, “Итга билан қудуқ қазиб...” ва бошқа қатор илмий мақола-лари ёш санъатшунос ва мушқашунослик олимлар учун ҳаммаша ўрганилиши лозим бўлган манбалардир. Улар ўз мазмунига кўра, санъатшунослик муаммоларини очиб беришда қалит вазифасини ҳам ўтаётгани бежиз эмас.

О.Иброҳимов 2019 йилда бўлиб ўтган “Испом цивилизацияси шаклланишида санъатнинг ўрни” халқаро илмий-назарий конференциясида “Испом ва ўзбек халқининг мушқашунослик кадриятлари” мавзусида маъруза қилди. Бу маъруза соҳанинг етук олимлари томонидан юксак эътирофга сазовор бўлди.

2019 йилнинг 14-17 декабри кунлари республика мушқашунослари ўртасида ўтказилган “Мақомлар тарихи, назарияси ва амалиёти йўналишида яратилган адабиётлар” республика танловида Оқилхон Иброҳимовнинг 7- синф “Мушқашунослик” дарслиги учинчи ўринни эгаллаган бўлса, “Мақом асослари” ўқув қўлланмаси биринчи ўринни эгаллади.

Оқилхон Иброҳимов Исҳоқ Ражабовнинг “Шарқ мушқашунослиги атамалари изоҳли лугати” қўлёзмаси устида иш олиб бориб, 20 босма тобоқли энциклопедик лугатни нашрга тайёрлади. Бутун санъатшунослик илм аҳли учун катта тухфа бўлиши ушбу лугат қандай ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилади.

Жонқуяр устознинг илмий фаолияти муносиб тақдирланиб келинади. 2008 йилда “Меҳнат шухрати” орденига муносиб қўрилган олим жорий йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвон эгаси бўлди.

Ғани ХУДОЕВ,
санъатшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди.
Газетанинг полиграфик хижатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 3147.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гулсум Шодиева
Мусаҳҳиҳ: Ойдин Алъутдинова
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА яқини — 21:50 Топшириш — 00:10